# QISHLOQ HAYOTI

2003 YIL 15 APREL, SESHANBA

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№50 (6.575). Sotuvda erkin narhda


## БУГУНГИ СОНДА




БОЗОРДАГИ ҒАВҒОЛАР (2-саҳифада)

АЯНЧЛИ ИНТИҲО (1-2-саҳифаларда)

ЯНА САМАРҚАНД ҲАҚИДА (1-4-саҳифаларда)







● Тошкентда «Халқаро бозорга чиқиш жараёнида кичик ва ўрта бизнес субъектларига ёрдам кўрсатишнинг молиявий ва савдо воситалари» мавзусидаги кўчма семинар ўз ишини якунлади.

● Сирдарё вилояти «Маънавият ва маърифат» марказида «Ахборот эркинлиги ва ОАВ» мавзусида минтақавий семинар бўлиб ўтди.

● Наманганддаги «Атлас» акционерлик жамиятида хорижий капитал иштирокидаги инвестиция лойиҳалари фаол амалга оширилмоқда. Яқинда Жанубий Кореялик шериклар билан ҳамкорликда ипак хомашёсига қайта ишлов бериш бўйича янги технологик линия фойдаланишга топширилди.

● Халқаро «Экосан» жамғармаси ҳузуридаги «Экосан-Тур» халқаро экотуризм маркази томонидан Қорақалпоғистонда ташкил этилган «Буюк ипак йўлида» деб номланган янги экотуризм маршрути дастлабки чет эллик сайёҳларни қабул қилди.

● Учкўприк туманининг Бегобод қишлоғида янги врачлик пункти иш бошлади. У қишлоқнинг 7 минг 200 нафар аҳолисига хизмат кўрсатади.

● 14 апрел куни Навоий шаҳридаги Янгиобод маҳалласининг Нурчилар кўчасида «Садаф» фирмаси маблағи ҳисобидан бунёд этилган янги шифохона иш бошлади.

● Ўзбекистон Давлат консерваториясида «Барча юлдузлар» деб аталган ва кўп сонли томошабинлар тўпланган ажойиб мусиқа кечаси бўлиб ўтди.

● Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тўйчи Иноғомов хотирасига бағишлаб ўтказилаётган ёш доирачилар «Зарб-2003» республика кўрик-танловининг Бухоро вилоят босқичи якунланди.

● Марғилон шаҳридаги Чилонзор маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида замонавий спорт мажмуи иш бошлади.

● Нурота шаҳрида Республика кўзи ожизлар жамиятининг шашка бўйича анъанавий «Дўстлик кубоги» мусобақалари бўлиб ўтди.

● Германиянинг Lufthansa technic u Hudro-Geratebau GmbH компаниялари иштирокида Тошкент самолётларни таъмирлаш заводи негизида шаклланаётган Ғарбда ишлаб чиқарилган самолётларга хизмат кўрсатувчи техник марказни ривожлантириш ишларининг иккинчи босқичи бошланди.





Поп туманидаги "ПОП-ФЕН" ўзбек-турк қўшма корхонасида тайёрланаётган юқори сифатли калава ип маҳсулотларининг асосий қисми бугун дунёнинг Германия, Туркия, Бельгия, Италия каби ривожланган давлатларига экспорт қилинмоқда. Маҳсулотнинг жаҳон андозаларига мос тарзда тайёрланиши туфайли ана шундай натижаларга эришилмоқда.

СУРАТЛАРДА: 1. Ишчи Насиба Раҳматуллаева. 2. Корхона ходимлари Ориф Муҳиддинов, Шуҳрат Эргашев ҳамда автокарачи Тоҳир Исматовлар тайёр маҳсулотни хорижга жўнатишга ҳозирлашаётир.

**Б.АКРАМОВ олган суратлар.**

## АГРОСАНОАТ МАЖМУИ ЙИҒИЛИШИ

***Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат мажмуининг 2003 йил биринчи чорагида қишлоқ хўжалигини иқтисодий ривожлантириш якунлари ва иқтисодий ислоҳотларнинг боришига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Унда мажмуа тарикибига кирувчи вазирлик, қўмита, компания, уюшма ва муассасалар раҳбарлари иштирок этди.***

Бош вазир ўринбосари, қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Н.Юсупов бошқарган йиғилишда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан бири - қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, соҳа самарадорлигини юксалтириш, дала меҳнаткашларининг моддий манфаатдорлигини ошириш, пировард натижада аҳоли турмуш фаровонлигини янада яхшилашга жиддий эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Президентимизнинг шу йил 24 мартдаги «Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги Фармонида қишлоқ хўжалигини янада жадаллаштиришнинг устувор вазифалари белгилаб берилди. Бугунги кунда ушбу Фармон ижросини таъминлаш учун ширкат, фермер ва деҳқон хўжаликларининг фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган айрим қонун ва меъёрий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар тайёрланмоқда. 2005 йилгача бўлган муддатда фермер хўжаликларини ва қишлоқнинг бозор инфратузилмасини ривожлантириш дастури ишлаб чиқилаётир.

Йиғилишда қайд этилганидек, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 январдаги қарорига мувофиқ жорий йилда 177 ширкат хўжалиги тугатилиб, негизида танлов асосида 11 мингга яқин фермер хўжалиги ташкил этилди. Ҳозир уларга хизмат кўрсатувчи минибанк, минерал ўғит ва ёнилғи-мойлаш материаллари билан таъминлаш шохобчалари, МТП ҳамда сувдан фойдаланувчилар уюшмаси каби инфратузилмаларни яратиб бериш борасида саъй-ҳаракатлар давом эттирилаётир. Бухоро, Фарғона, Наманган ва Хоразм вилоятларида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирувчиларга амалдаги аванс бериш ўрнига деҳқон ва фермерларга имтиёзли кредитлар бериш тартиби жорий этилди.

Йиғилишда қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ташкилотлари фаолиятида йўл қўйилаётган хато ва камчиликларга жиддий эътибор қаратилди. Хусусан, ҳамма жойда ҳам ижро интизомига етарлича эътибор берилмаяпти, ширкат ва фермер хўжаликлари билан тайёрлов ҳамда хизмат кўрсатувчи корхоналар ўртасида шартнома тузиш ҳалигача тугатилмаган.

Мажлисда йўл қўйилган хато ва камчиликларни тезда бартараф этиш, деҳқон ва фермер хўжаликларига янада кенгроқ имконият ва қулайлик яратиб бериш, уларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш борасида мутасадди ташкилот раҳбарларига тегишли топшириқлар берилди.

**(ЎзА)**

## МАҚСАД - ЎЗБЕКИСТОНДА ЛИЗИНГНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

***Тошкентдаги «Пойтахт» меҳмонхонасида «Лизинг молиялашнинг муқобил усули сифатида» мавзусидаги семинарлар туркуми бўлиб ўтди.***

Маълумки, лизинг ривожланаётган ва ривожланган давлатлардаги корхоналарни ўрта муддатли ва узоқ муддатли молиялашнинг муҳим манбаи ҳисобланади. Ривожланаётган мамлакатларда у лизинг олувчиларнинг, жумладан, кичик, ўрта ва қайта ташкил этилган корхоналарнинг активларини оширишнинг самарали воситаси сифатида аҳамиятлидир.

Семинар иштирокчилари лизинг ҳақидаги қонунчиликка киритилган янгиликлар, солиқ тизимидаги ўзгаришларга боғлиқ бўлган масалаларни муҳокама қилдилар. Айни пайтда бухгалтерлик ҳисоб-китобини юритиш ва лизинг операцияларининг кредит таҳлилини бехато олиб бориш, шунингдек, лизинг хизматларини тўғри ташкил қилиш масалалари кўриб чиқилди.

Семинар Халқаро молия корпорацияси (ХМК) ходимлари, жумладан, Марказий Осиёда лизингни ривожлантириш лойиҳаси мутахассисларининг Тадбиркорликни ривожлантириш бўйича ЮСАИД лойиҳаси, «Прагма» корпорацияси мутахассислари билан ҳамкорлигида ўтказилди.

Таъкидлаш жоизки, Марказий Осиёда лизингни ривожлантириш лойиҳаси ХМК нинг техник кўмаги дастурининг бир қисми бўлиб, 2001 йил охирида бозорни янада ривожлантириш ҳамда минтақа мамлакатларида инвестициявий муҳит учун қулай бўлган лизинг хизматларини ташкил этишга техник кўмак кўрсатиш мақсадида сармояланган. Мазкур ташаббусни амалга оширишни молиялаштиришни Швейцариянинг иқтисодий алоқалар бўйича давлат котибияти (SECO) амалга оширмоқда.

Умуман олганда, лизингни ривожлантириш бўйича лойиҳанинг таълим дастурлари ва ўтказилаётган семинарлари тадбиркорларни, соҳа мутахассисларини, шунингдек, давлат тузилмаларини лизингни ривожлантириш масалаларига мумкин қадар молиялашнинг муқобил манбаи сифатида ёндашишига йўналтирилган.

**Жамшид РАУПОВ, ЎзА мухбири.**

## "ОҚСАЁТГАН РАҚАМЛАР"

***"Вилоят прокуратураси органлари томонидан "Қишлоқ ҳаёти" газетасининг 2003 йил 21 февралдаги сонида ана шу сарлавҳа остида чоп этилган мақолада баён этилган фикрлар юзасидан текшириш ўтказилди.***

**"ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ"ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР**

Мақолада Булунғур туманидаги "Абдулла" ва "Мингбулоқ" фермер хўжаликларида ҳам наслчилик билан боғлиқ муаммолар ҳал этилмаётганлиги ҳақида сўз юритилган эди. "Мингбулоқ" чорвадорлари чорва-насл корхонаси ҳисобига 140 минг сўм ўтказган бўлишса-да, бироқ 2 йилдирки, азот-уруғ олишмай сарсон бўлиб келишган. Вилоят прокуратураси аралашуви билан 2003 йил 26 март куни Булунғур туманидаги "Мингбулоқ" ижара хўжалигига 135 доза азот-уруғини вилоят наслчилик бирлашмасидан олиб борилиши таъминланди.

Шу каби, "Абдулла" ижара-фермер хўжалигига берилиши лозим бўлган 100 доза азот уруғи 2003 йил 26 март куни олиб берилди.

Шунингдек, мақолада Жомбой туманида ҳам чорва молларини ва паррандаларнинг камайиб бориши кўрсатилган бўлиб, бу борада Жомбой туман прокуратураси томонидан жорий йилда ўтказилган текширишлар натижасига кўра, айбдор шахсларга нисбатан 2 та жиноят иши қўзғатилди.

Хусусан, Жомбой туманидаги Х.Низоматов номли ширкат хўжалигининг сут-товар ферма мудири А.Соҳибов ушбу лавозимда 2001 йилдан ишлаб келиб, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан ўзига ишониб топширилган ўзганинг мулкини, яъни 1 млн. 568 минг сўмлик 896 бош паррандаларни ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилгани аниқланди. А.Соҳибовга нисбатан 2003 йил 6 март куни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддаси билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

**И.ХОЛБЕКОВ,**
**Самарқанд вилояти прокурорининг ўринбосари,**
**адлия катта маслаҳатчиси."**

## ДЕҲҚОН ИСЛОҲОТЛАРНИ АНГЛАСА...

***Республика "Сабзавотнавуруғлари" уюшмасида бўлиб ўтган семинар мунозара Президентимизнинг "Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим йўналишлари тўғрисида"ги Фармонининг устувор жиҳатлари ва аҳамиятига бағишланди.***

-Бу тарихий ҳужжат бизга фикрлаш, мустақил иш юритиш имконини беради, - дейди Фарғона вилоят "Сабзавотнавуруғлари" бирлашмаси ҳосилоти, фан номзоди Жалолиддин Қодиров. – Эндиликда қишлоқ хўжалигида ишловчи ҳар киши, хоҳ у фермер, хоҳ у ширкат аъзоси бўлсин, мустақил шартнома асосида қонун устуворлигида иш юритади.

-Сабзавот-полиз экинлари, мева ва узумчиликни ривожлантириш ҳамда тайёр маҳсулотларни қайта ишлаш бўйича кенгашлар тузилиши айни муддао бўлди, - дейди Ўзбекистон туманидаги "Соҳибкор" ширкат хўжалиги раиси Илҳомжон Расулов. – Шу пайтгача кўрсатма асосида турли хил экинлар экиб келдик. Натижада тайёр маҳсулотни сотиш, харидорини топиш бўйича қийинчиликларга учрадик. Кўп харажат қилиб кам ҳосил олган пайтларимиз ҳам бўлди. Эндиликда суяги деҳқончиликда қотган, ер билан тиллаша оладиган олимларимизнинг йўл-йўриқлари ва ҳаётий тажрибалари асосида ишни ташкил этсак, ҳар томонлама яхши бўлади. Харидоргир, ҳам арзон, ҳам сифатли, ҳам кам харажат сарф этиб, юқори ҳосил берувчи маҳсулотларни етиштирсак, уни қишлоқнинг ўзида қайта ишлашни йўлга қўйсак, ишчи ўринлари ҳам яратилади. Фармонда ана шундай ҳар бир ишлаб чиқарувчининг мустақил иш юритиши ҳуқуқий кафолатланган.

-Ҳар бир деҳқон, ишлаб чиқарувчи аввало қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган ислоҳотларни чуқур тушуниши керак, - дейди Зангиота тумани "Бўзсув" ширкат хўжалиги раиси Ҳамидулла Мирзаев. – Чунки ислоҳотларни тушунмай, ўз соҳасини пухта ўрганмай далага чиқишнинг ўзи бўлмайди. Кўриб турибмиз, шу пайтгача режа кетидан қувиб, ортиқча маблағ сарфлаб, кузга келганда бармоғини тишлаб қолганлар қанча. Фармонда айнан шу жиҳатлар чуқур ўрин олган. Бундан кейин ширкат хўжалигига, фермерга бунча экасан, шунча топширасан, деган буйруқлар бўлмайди. Ҳаммаси шартнома асосида ва унга таянган ҳолда ҳал қилинади.

**МУНОСАБАТ**

-Фармондан сўнг қишлоқ хўжалиги бошқарувида мутлақо янги тизим жорий этилиши зўр бўпти, - дейди Янгиқўрғон туманидаги Т.Неъматов номли ширкат хўжалиги раиси Қодиржон Неъматов. – Эндиликда экинларни жойлаштиришда хўжаликлар ихтисослашувига қараб ўзлари ҳал қилади. Шу билан бирга ҳосилни етиштиришда ижара шаклидан фойдаланиш ҳам қишлоқ хўжалигимизнинг жадал ривожланишига кенг йўл очади. Умуман олганда, Фармон тезроқ кучга кирса, ишлар ҳар томонлама юришиб кетади.

– Фармоннинг 2-бандида хўжаликлар ўз меҳнати натижаларини, етиштирган маҳсулотини, ўзларига тегишли мол-мулк, молиявий ва моддий ресурсларни ўз хоҳишига кўра тасарруф этадилар, дейилган, - дейди Қашқадарё вилояти "Ўзбекистон мустақиллиги" ширкат хўжалиги раиси Парда Узоқов. - Ҳақ гап. Ишлаб чиқарувчи молиявий ва моддий ресурсларни қандай тасарруф этишни ўзи яхши билади. Шунингдек, янги тузилажак Кенгаш аъзоларининг йўл-йўриқлари асосида ишни мутлақо қайта ташкил этиб, бу соҳада қандай қилиб самарадорликка эришиш йўллари изланади.

-Фармон чиққан бўлса-да, ҳали кўпчилик жойларда юқоридан келиб, бугун экасан, бугун суғорасан, бугун йиғиштирасан, деган буйруқвозликлар тўхтамаяпти, - дейди хўжалик раиси И.Расулов. – Қишлоқ хўжалигида 2-3 соатлаб ширкат хўжалик раисларини, тегишли мутахассисларни тўплаб олиб, ҳар куни узундан-узоқ мажлисбозликлар тўхтамаяпти. Хўжалик раислари куннинг ярмини йиғилишларда, ярмини далада ўтказса, қачон дам олади, қачон фарзандлар тарбияси билан шуғулланади. Фармонда жуда тўғри ёзилган: деҳқон ерининг шароитини ўзи билади, шунинг учун унга эркинлик бериш керак.

**Султон ШАРОФОВ**

## ТОШҚИНГА ҚАРШИ ТЎСИҚ

***Ўтган йилнинг сўнгги ойлари ва жорий йилнинг қиши республиканинг асосий дарёлари ҳавзаларида ёққан ёғингарчилик миқдори ўртача йиллик меъёрдан ортиқ бўлди.***

Ўзбекистон Республикаси "Бошгидромет" бошқармаси маълумотларига кўра, баҳор-ёз ойларида ҳам кўпгина сойларда тошқин ва сел оқимлари ўтиши, шунингдек, кўчки ҳодисалари кутилмоқда.

Халқимизда сув балосидан асрасин, деган сўз бор. Тошқин ва сел каби табиий офатлар жуда катта салбий оқибатларни юзага келтирганлиги ҳақида тарихда жуда кўплаб маълумотлар бор. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, моддий зарар ва уларнинг оғир оқибатларини бартараф этиш харажатларини камайтириш мақсадида "Тошқин ва сел оқимлари, кўчки ҳодисаларининг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини тугатишга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида" қарор чиқарди.

**ҚАРОР ВА ИЖРО**

Ушбу қарор бўйича тошқин ва сел оқимларини хатарсиз ўтказиб юбориш, кўчки ҳодисаларининг олдини олишни таъминлаш бўйича Ҳукумат комиссияси ташкил этилиб, унинг вазифалари белгиланди. Ҳукумат комиссиясининг белгиланган вазифаларини бажариш мақсадида, вилоятларда комиссиялар тузилиб, улар республика ва вилоят мутасадди ташкилотлари раҳбарлари иштирокида йиғилишлар ўтказиб, бу борада аниқ режалар белгилаб олдилар.

Шунингдек, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Давсувхўжаликназорат" инспекцияси мутахассисларидан иборат гуруҳлар тузилиб, уларга вилоятлардаги сув тошқини ва сел келиб, зарар етказиши эҳтимоли бор каналлар, зовурлар, сув ташламалари, гидроузеллар ва сув омборларининг ҳолати аниқланди. Бу борада бажарилиши лозим бўлган вазифаларни белгилаш топширилди.

(Давоми 2-бетда)

**ХИЗМАТ**

## СУҒУРТА: ИХТИЁРИЙСИ МАЖБУРИЙИДАН УЧ ҲИССА КЎП

***Суғурта ҳақида гап кетганида бир неча йиллар муқаддам аксарият ҳолларда кўпчиликнинг кўз олдига мажбурий равишда тузиладиган шартнома келарди.***

Молиявий хизматнинг ана шу тури мазмун-моҳиятини етарлича англамаслик, кўп ҳолларда эса маъмурий-буйруқбозликка асосланган тизимда шартномани бажаришга панжа орасидан қараш илдиз отганлиги сабабли шундай фикр шаклланганди. Унинг асорати яқин-яқинларгача таъсир этиб келди. Етти-саккиз йил илгари ҳам мажбурий суғурта жами шартномаларнинг етмиш-саксон фоизини ташкил этарди.

(Давоми 3-бетда)

## РЎЙИ ЗАМИН САЙҚАЛИ

***Самарқанд. Қадим тупроқ. Ҳар сафар сенинг бағрингга келганимда ўзимни ёш боладек сезаман, болалигим, ўсмирлик, йигитлигим, муҳаббатга тўлиқ талабалик онларим ўтган шаҳар. Мен сенинг миллионлаб фарзандларингдан бириман, холос.***

Ҳаётимда сенинг шаънингга кўплаб шеърлар, достонлар битдим. Булар кам, чунки сенинг ўзинг, ҳатто ҳар бир ғиштинг, бир сиқим тупроғингнинг ўзи бир мангулик достон.

Илк бора сенинг бағрингга бундан эллик йил олдин отам етагида келганимни яхши эслайман. Энди билсам волидаи муҳтарамамни эргаштириб сенинг кўчаларингни кезган чоғларим ҳаётимнинг энг нурафшон онлари экан. Эндиликда улар йўқ, боқий дунёга риҳлат қилишган, дилда эса туганмас бир армон... Энди менга сен ўзинг Отадек, Онадек қадрдон бўлиб қолгансан, уларнинг ярим умри сенда ўтган.

**ЭҲТИРОМ**

Сен менсиз яшашинг мумкин-у, лекин мен Сенсиз яшолмас эканман, бунга тўла амин бўлдим, негадир кейинги пайтда Сени тез-тез кўргим келаверади. Мана бугун яна бағрингга қайтдим, тоза ҳавонгдан роҳатланиб, ўпкамни тўлдириб сипқориш насиб этганига худога минг қатла шукроналар бўлсин!

Бир пайтлар, она шаҳрим, Сенинг шаънингга шундай сатрлар битганман:

**Афросиёб ёки Кўҳакдан**
**Боққанмисиз Самарқандга ҳеч?**
**Жаҳоншумул шаҳар эртакдан**
**Яралгандек – бўлганида кеч.**

**Улуғбекнинг юлдузлари бот**
**Томошага чиқади бир-бир.**
**Ойни ҳайрон этган мўъжизот**
**Кучоғида яшамоқ бахтдир.**

(Давоми 4-бетда)

**НИГОҲ**

## МУСТАБИДНИНГ ҚИСМАТИ

***Ироқ уруши ниҳоясига етмоқда. Саддам салтанати қулади.***

Дунё яна бир жоҳил ҳукмдордан халос бўлди. Яна бир мустабид диктатор сиёсат айвонидан туширилди. Албатта, у тарих саҳнасидаги биринчи диктатор эмасди. Унинг ўтмишдошлари кўп бўлган. Замондошлари ҳам анча-мунча топилади. Издошлари ҳам... бўлиши тайин. Дилга таскин берувчи бир туйғу шулки, ҳар қалай золим "доҳий"лар сони тобора камайиб бормоқда. Темир тўсиқлар билан ўралган, Саддамча эркинликнинг бадбўй ҳавосидан бўғилган, унинг ўзига хос ва ўзига мос "демократия"сидан зада бўлган бутун бир халқ эркин нафас ола бошлади.

(Давоми 2-бетда)

## ПАҲЛАВОНЛАР КЎПДИР БУ ЮРТДА

***Бухорода "Универсиада – 2002" мусобақалари ўтаётган эди, ўшанда. Бир куни ўзаро гурунгда машҳур курашчи Собир Қурбоновдан полвон билан паҳлавоннинг фарқи нимада, деб сўрадим.***

-Менимча, ҳеч қандай фарқи йўқ, - дея елка қисди Собир ака.

-Афсонавий Рустам Достонлар, Алпомишлар паҳлавон бўлган. Сиз ўшалар сирасига кирасиз. Кечагина спорт устаси бўлган курашчи ҳам, сизнинг қаторингизда паҳлавон саналаверса, сал ҳақимиз кетади. Улар полвон дейилади. Минг иқтидорли бўлиб, кучи билагида тошиб турган бўлса ҳам, дунёдаги манаман деган баҳодир билан тенгма-тенг бел олишмаса, умри полвон саналиб ўтаверади. Жаҳон паҳлавонлари билан олишувларда ғолиб чиқиб, гиламдан чиққанлар паҳлавон! Халқининг юртининг, шаънини оламга ёйганлар паҳлавон! Сиз Бухородан чиққан биринчи паҳлавонсиз! Сиздан сўнг Шуҳрат, Акобир, Камол, Фарҳод, Рауф, Ҳасан, Ботирлар ҳам ўз вазнлари бўйича жаҳон чемпионлари. Демак, уларнинг ҳам дунё паҳлавонлари қаторида ўрни бор экан-да, - дедик.

**БУХОРО ПОЛВОНЛАРИ**

-Ўҳ-у, бухоролик паҳлавонлар ҳам ўнтача бўлиб қолибди-да, - деди Собир Қурбонов икки кафтини бир-бирига ишқалаб.

-Худо хоҳласа, яна кўпаяверади, - унга тикилиб шу гапни айтгимиз келди.

-Ишонтириб айтаман, биттаси ҳозирнинг ўзида тайёр! - Собир аканинг сўзларида ишонч балқиб турарди. - Жаҳон миқёсидаги битта нуфузли мусобақага чиқарилса бас. Гиламнинг чеккасида юришни ор биладиган полвон у. Ушлаганини узадиган вақти ҳозир.

Собир ака мақтаётган полвоннинг кимлиги билан қизиқдик.

(Давоми 4-бетда)


**КЕЛГУСИ СОНДА:**

СУВНИ ТЕЖАНГ, БОЙ БЎЛАСИЗ

КУШХОНАСИЗ ҚИШЛОҚ

ҲАМ ШАРАФ, ҲАМ БУРЧ

# РЕСПУБЛИКА АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИ "ҒАЛЛАБАНК"

**Банкни рўйхатга олиш рақами 45, 1994 йил 2 август**
**Манзил: 700060, Тошкент ш. Шахрисабз кўч., 36.**

**2002 йил 31 декабрь ҳолатига кўра**

**БАЛАНС ҲИСОБОТИ**

| | |
|---|---|
| **АКТИВЛАР** | **минг сўм** |
| Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари | 12,363,951 |
| ЎзРМБ даги мажбурий захиралар жамғармаси | 587,642 |
| Бошқа банклардаги депозитлар | 270,500 |
| Мижозларга берилган кредитлар ва бўнаклар | 43,738,486 |
| Сотиш учун сақланаётган | |
| Инвестицион қимматли қоғозлар | 332,373 |
| Муддати узайтирилган солиқлар | 357,550 |
| Бошқа активлар | 541,541 |
| Асосий воситалар | 4,673,990 |
| **Жами активлар** | **62,866,033** |
| **ПАССИВЛАР** | |
| **Мажбуриятлар** | |
| Бошқа банклар маблағлари | 28,514,701 |
| Мижозлар маблағлари | 19,544,195 |
| Бошқа қарз маблағлари | 3,814,663 |
| Бошқа мажбуриятлар | 804,723 |
| Кечиктирилган солиқлар бўйича мажбуриятлар | 317,816 |
| **Жами мажбуриятлар** | **52,996,098** |
| **АКЦИЯДОРЛАРНИНГ ЎЗ МАБЛАҒЛАРИ** | |
| Акциядорлик капитали - оддий акциялар | 6,442,323 |
| Тақсимланмаган фойда ва бошқа захиралар | 3,427,612 |
| **Жами акциядорларнинг ўз маблағлари** | **9,869,935** |
| **Ҳамма пассивлар** | **62,866,033** |

**2002 йил 31 декабр ҳолатига Фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисобот**

| | *минг сўмда* |
|---|---|
| Бошқа банклардаги депозитлар бўйича фоиз даромадлари | 18,723 |
| Кредитлар ва мижозларга берилган бўнаклар бўйича фоиз даромадлари | 7,663,660 |
| **Жами фоиз даромадлари** | **7,682,383** |
| Мижозлар маблағлари бўйича фоиз харажатлари | (1,258,828) |
| Бошқа банкларнинг маблағлари бўйича фоиз харажатлари | (3,883,520) |
| Бошқа қарзга олинган маблағлар бўйича фоиз харажатлари | (173,573) |
| **Жами фоиз харажатлари** | **(5,315,921)** |
| **Соф фоиз даромадлари** | **2,366,462** |
| Кредит портфелининг қадрсизланиши бўйича резерв | (608,667) |
| **Кредит портфелининг қадрсизланиши бўйича резервдан сўнг соф фоиз даромади** | **1,757,795** |
| Сотишга мўлжалланган инвестицион қимматли қоғозлар билан амалиётлардан келган даромадни чиқариб ташлангандан сўнгги зарар | (411,664) |
| Чет эл валютасини қайта баҳолашдан кўрилган соф фойда | 73,081 |
| Воситачилик даромадлари | 5,230,580 |
| Воситачилик харажатлари | (262,688) |
| Бошқа амалиёт даромадлари | 54,989 |
| Дивидендлар бўйича даромадлар | 163,978 |
| **Соф даромад** | **6,606,071** |
| Амалиётлар харажатлари | (4,324,494) |
| Монетар моддалар бўйича зарар | (1,296,870) |
| Амалиёт даромадлари | 984,707 |
| Солиқ харажатлари | (400,000) |
| **Соф фойда** | **584,707** |

**2002 йилнинг 31 декабр ҳолатига пул маблағлари ҳаракати тўғрисида ҳисобот**

| | **минг сўмда** |
|---|---|
| **Амалиёт фаолиятидан олинган пул маблағлари** | |
| Олинган фоизлар | 7,523,840 |
| Тўланган фоизлар | (5,216,164) |
| Олинган воситачилик даромадлари | 5,251,618 |
| Тўланган воситачилик харажатлари | (262,688) |
| Олинган бошқа амалиёт даромадлари | 42,456 |
| Тўланган амалиёт харажатлари | (3,902,991) |
| Тўланган даромад (фойда) солиғи | (794,010) |
| **Амалиёт активларида ва мажбуриятларида ўзгариш бўлгунга қадар амалиёт фойдаси** | **2,642,061** |
| **Амалиёт активлари ва мажбуриятларидан келган соф пул маблағларининг ўсиши/(пасайиши)** | |
| Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидаги мажбурий резервларни ва бошқа банклардаги депозитларнинг соф ўсиши/(пасайиши) | (389,897) |
| Мижозларга кредитлар ва бўнаклар бўйича соф ўсиш/(пасайиш) | 18,088,351 |
| Бошқа банклардаги депозитлар бўйича соф ўсиши/(пасайиши) | (299,579) |
| Бошқа активлар бўйича соф ўсиш | (34,540) |
| Бошқа банкларнинг маблағлари бўйича соф ўсиш | (25,387,529) |
| Мижозларнинг маблағлари бўйича соф ўсиш | 14,776,218 |
| Бошқа мажбуриятлар бўйича соф ўсиш/(камайиш) | (91,890) |
| қарзга олинган бошқа маблағлар ва мажбуриятлар бўйича соф ўсиш/(пасайиш) | 2,996,343 |
| **Амалиётлар фаолиятидан олинган (сарфланган) соф пул маблағлари** | **12,299,538** |
| **Инвестиция фаолиятидан олинган пул маблағлари** | |
| Асосий воситаларни сотиб олиш | (1,733,649) |
| Асосий воситларни сотишдан олинган даромад | 51,834 |
| Инвестицион қимматли қоғозларни сотиб олиш | (68,293) |
| Инвестицион қимматли қоғозларни сотишдан олинган даромад | 38,210 |
| Олинган дивидендлар | 151,091 |
| **Инвестиция фаолиятида сарфланган соф пул маблағлари** | **(1,560,807)** |
| **Молиявий фаолиятдан келган пул маблағлари** | |
| Оддий акциялар эмиссияси | 620,804 |
| Тўланган дивидендлар | (483,051) |
| **Молиявий фаолиятдан келган соф пул маблағлари** | **137,753** |
| **Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларига айирбошлаш курси ўзгаришининг таъсири** | **111,975** |
| **Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентига инфляциянинг таъсири** | **(1,487,095)** |
| **Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларининг соф ўсиши/(пасайиши)** | **9,501,364** |
| Йил бошига пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари | 2,862,587 |
| **Йил охирига пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари** | **12,363,951** |
| **Пулсиз амалиётлар** | |
| Оддий акцияларга капитализацияланган дивидендлар | 141,037 |

**Ушбу молиявий ҳисобот ҳаққонийлиги "PricewaterhouseCoopers" (ЎРМБнинг 1999 йил 17 июндаги 9-сонли лицензияси) халқаро ташқи аудиторлик компанияси томонидан тасдиқланган ҳамда Бухгалтерия ҳисобининг халқаро андозаларига мувофиқ тайёрланган.**

**Юқорида келтирилган маълумотлар тўғрисида ахборот 2002 йил 31 декабрдаги ҳолатига кўра банк ҳисоботлари ҳаққонийлигини тасдиқловчи аудиторлик хулосасида ўз аксини топган.**

Тошкент шаҳар Юнусобод туманида яшовчи хусусий тадбиркор "ZAKIROVA MUHABBAT USAROVNA" номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Утерянный гос.ордер №04-01/863 от 15.12.92 г. права собственности Каменевой Аиды Степановны, на квартиру считать недействительным.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманида яшовчи хусусий тадбиркор "Аҳмадходжаев Анвар Раҳматходжаевич"га берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

# СУҒУРТА: ИХТИЁРИЙСИ МАЖБУРИЙИДАН УЧ ҲИССА КЎП

(Боши1-бетда)

Мамлакатимиз Президенти томонидан 1997 йили 25 февралда имзоланган "Ўзагросуғурта" давлат акциядорлик компаниясини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармондан сўнг агросаноат соҳасида товар ишлаб чиқарувчилар ва қишлоқ аҳолисига шундай турдаги молиявий хизмат кўрсатишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Ўтган олти йилда янги компаниянинг моддий-техника базаси мустаҳкамланди, хизмат кўрсатиш ҳажми бир неча баробар ортди. Шу даврда ҳуқуқий ва жисмоний шахслар билан тузилган шартномаларга мувофиқ уларга 9,5 миллиард сўм суғурта пули тўлаб берилди. Мажбурий суғурта салмоғи йилдан-йилга камайиб, унинг ихтиёрийси тобора кўпайиб бораётганлиги эътиборга моликдир. Чунончи, 2001 йилги ҳолатга кўра 543317,4 мингта шартномадан 200932,7 мингтаси ихтиёрий суғурта эди. 2002 йили эса манзара ижобий томонга кескин ўзгарди: жами 673863,5 мингта шартномадан 497470,7 мингтаси ихтиёрий суғурта сифатида қайд этилганлиги унинг салмоғи мажбурийсига нисбатан уч ҳисса кўплигидан далолат беради. 2002 йили суғурталанувчиларга тўланган 1 миллиард 840,6 миллионнинг 1 миллиард 671 миллион сўми ихтиёрий шартномалар улушига тўғри келиши ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Шу ўринда "Ўзагросуғурта" компанияси 2002 йили яна бир муҳим натижага эришганлигини таъкидлаш зарур: суғурта пули Молия вазирлигидан маблағ сўралмаган ҳолда ўз ресурслари ҳисобидан тўлаб берилди.

"Ўзагросуғурта" давлат-акциядорлик компанияси акциядорларининг куни кеча бўлиб ўтган йиллик ҳисобот йиғилишида юқорида келтирилган далиллар ва фикр-мулоҳазалар таъкидланди. Компания Кузатув кенгаши раиси, молия вазири ўринбосари Т.Жўраев, Бошқарув раиси П.Казиевларнинг маърузаларида, тафтиш комиссияси ҳамда молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботларда эришилган натижалар атрофлича таҳлил этилиб, келгусида фойдаланилиши зарур бўлган имкониятлар, суғурта хизматини такомиллаштириш юзасидан қимматли фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Таъкидланганидек, "Ўзагросуғурта" ўз фаолиятини йилдан-йилга ривожлантириб бормоқда. Чунончи, тўрт-беш йил илгари умумий суғурта тармоғига кирувчи 17 та классдан саккиз йўналиши бўйича фаолият юритилган бўлса, 2002 йилга келиб уларнинг сони 12 тага етди. Бу хизмат Молия вазирлиги томонидан берилган лицензияга мувофиқ амалга оширилаётганлиги, тариф ставкалари ҳар бир ҳудуд шарт-шароитидан келиб чиққан ҳолда мувофиқлаштирилаётганлиги ва улар маълум даражада пасайтирилиб борилаётганлиги туфайли ихтиёрий равишда суғурта шартномаларини тузувчилар сафи кенгаймоқда. Шунинг учун ҳам 2002 йилда суғурта мукофотларининг ҳажми ўтган йилга нисбатан 226 миллион сўмга кўпайди. Компаниянинг олган соф фойдаси 186,4 миллион сўмни ташкил этди.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда фермерлик ҳаракатига алоҳида эътибор берилиб, унинг ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратилаяпти. "Ўзагросуғурта" компанияси деҳқон ва фермер хўжаликларига суғурта хизмати кўрсатишни такомиллаштиришни ўзининг муҳим йўналишларидан ҳисоблайди. 2002 йилнинг ўзида деҳқон ва фермер хўжаликлари билан 6675 та ихтиёрий суғурта шартномалари тузилди. Улар бўйича 353,8 миллион сўм миқдорида суғурта пули тўланди.

Кейинги йилларда ширкатлар, фермер хўжаликларининг моддий техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида лизинг асосида техника воситалари билан таъминлаш ва фьючерс контрактлари тузишда бир қатор молия муассасалари, шу жумладан суғурта идоралари зиммасига масъулиятли вазифалар юклатилмоқда. Ажратилаётган маблағларнинг ўз вақтида қайтарилиши учун уларни суғурталаш юзасидан кўплаб шартномалар тузилаяпти. 2002 йилнинг ўзида лизингга бериладиган техника воситалари суғуртаси бўйича уч мингдан зиёд шартнома тузилганлиги, бу жараёнда "Ўзагросуғурта" тизимидаги туман бўлинмалари фаол қатнашаётганлиги томонларнинг ҳуқуқий жавобгарлигини кучайтирмоқда.

Акциядорлар йиллик ҳисобот йиғилишида сўзга чиққан "Ўзагросуғурта"нинг Қорақалпоғистон Республикаси дирекцияси раҳбари И.Аминов, Қашқадарё вилояти дирекцияси раҳбари О.Хушмуродов ва бошқалар фермер хўжаликлари кўп бўлган минтақаларда суғурта идоралари ташкил этиш, агентлар сафини кенгайтириш, банк ҳамда бошқа молия муассасалари билан ўзаро ҳамкорликни янада яхшилаш хусусида ўз таклиф-мулоҳазаларини билдирдилар. Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари талабларидан келиб чиққан ҳолда компаниянинг тегишли ҳужжатларига ўзгартириш ҳамда қўшимчалар киритиш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**С.САЙДАЛИЕВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# СООБЩЕНИЕ О СУЩЕСТВЕННЫХ ФАКТАХ ОАО "O'АНМ"

**Порядковый номер сообщения – 05**

Вид ценных бумаг: акции безналичные простые именные - 16589:
акции безналичные привилегированные - 891:

Дата принятия решения о выплате дивидендов по акциям – **10.04.2003 г.**

Орган, принявший решение о выплате дивидендов, - годовое общее собрание акционеров.

Размер дивидендов, выплачиваемых на одну привилегированную акцию **- 272 сум - 27% от номинала.**

Форма выплаты дивидендов - **наличные денежные средства.**

**Порядковый номер сообщения – 09**

Вид общего собрания - **годовое.**

Форма проведения общего собрания - **открытая (очная).**

Дата проведения общего собрания - **10.04.2003 г.**

Место проведения общего собрания : **г. Ташкент, ул. Шахрисабз, 36.**

Кворум общего собрания составил **14043 голосующие акции, или 84,6%.**

Вопросы, поставленные на голосование, и итоги голосования по ним:

**По первому вопросу .** Отчет наблюдательного совета – утвердить. Проголосовали: "за" -14043 голоса, "против" и "воздержавшихся" - нет.

**По второму вопросу.** Перевыборы состава наблюдательного совета. Избраны следующие кандидатуры в состав наблюдательного совета: Сармонов Ганижон Дехканович;
Камбарова Насиба Рашидовна;
Мирзаев Рахматулла Эшкамбилович.

Проголосовали: "за" - 14043 голоса, "против" и "воздержавшихся" - нет.

**По третьему вопросу.** Отчет председателя правления об итогах финансово-хозяйственной деятельности за 2002 год - утвердить. Проголосовали: "за" - 14043 голоса, "против" и "воздержавшихся" - нет.

**По четвертому вопросу.** Утверждение годового отчета общества, бухгалтерского баланса - утвердить. Проголосовали: "за" - 14043 голоса, "против" и "воздержавшихся" – нет.

**По пятому вопросу.** Утверждение заключения ревизионной комиссии о деятельности общества в 2002 году - утвердить. Проголосовали "за" - 14043 голоса, "против" и "воздержавшихся" - нет.

**По шестому вопросу.** Утверждение заключения внешнего аудитора о достоверности финансового отчета общества за 2002 год - утвердить. Проголосовали: "за" - 14043 голоса, "против" и "воздержавшихся" - нет.

**По седьмому вопросу.** Утверждение бизнес–плана и сметы расходов на 2003 год - утвердить.Проголосовали: "за" - 14043 голоса, "против" и "воздержавшихся" - нет.

**По восьмому вопросу.** Утверждение аудитора на 2003 год. Утвердить аудиторскую фирму **"DUNYO AUDIT".** Проголосовали: "за" - 14043 голоса, "против" и "воздержавшихся" - нет.

По девятому вопросу. **Приведение в соответствие с положениями УК Президента РУ от №УП – 3202 размера уставного фонда ОАО, либо принятие решения о реорганизации. Предложили сохранить "О`АНМ" как открытое акционерное общество. Проголосовали: "за" - 14043 голоса, "против" и "воздержавшихся" - нет.**

**По десятому вопросу.** Принятие решения о продлении на 2003 год или прекращении договора с председателем правления. Продлить договор до следующего общего собрания акционеров. Проголосовали: "за" - 14043, "против" и "воздержавшихся" - нет.

**По одиннадцатому вопросу.** Распределение прибыли. Утвердить ставку дивиденда - 272 сум за одну привилегированную акцию. Выплатить дивиденды в течение месяца начиная с 02.05.2003 года. Проголосовали: "за" - 14043, "против" и "воздержавшихся" - нет.

**Порядковый номер сообщения – 10**

В соответствии с решением годового собрания акционеров "О`АНМ" от 10 апреля 2003 года избран новый состав наблюдательного совета в составе семи человек.

Список всех членов наблюдательного совета "О`АНМ"

| № | ФИО | Занимаемая должность по месту работы | Доля в УФ |
|---|---|---|---|
| 1. | Сармонов Ганижон Дехканович | Г. Ташкент,Шахрисабз, 36,ГАК "Уздонмахсулот" нач. отд. маркетинг.исслед. | 69% |
| 2. | Камбарова Насиба Рашидовна | ООО "Хамкор-Сервис" вед.экономист | 2,8% |
| 3. | Докибаев Баходир | РСАК "Галлабанк" зам. председателя | 5,7% |
| 4. | Корюкина Людмила Энгельсовна | ОАО "Уздон" гл. экономист | 5,7% |
| 5. | Ильичев Владимир Викторович | ЧП "Ильичев В.В." | 0,3% |
| 6. | Кан Галина Алексеевна | Профорг ОАО "О`АНМ" | 0,2% |
| 7. | Мирзаев Рахматулла Эшкамбилович | ГАК "Уздонмахсулот" гл. технолог | 0,1% |

**Полномочия нижеследующих лиц прекращены:**

1. Крымская Надежда Владимировна – председатель наблюдательного совета, зав. отделом "О`АНМ".
2. Ивкина Светлана Владимировна – член наблюдательного совета, зав отделом "О`АНМ".
3. Куйбакаров Сурат Хушвалович – член наблюдательного совета ГАК "Уздонмахсулот", гл. механик ГАК "Уздонмахсулот", г. Ташкент, ул. Шахрисабз, 36.

**НАБЛЮДАТЕЛЬНЫЙ СОВЕТ**

# СООБЩЕНИЕ О СУЩЕСТВЕННЫХ ФАКТАХ ОАО «O'ZDON»

Юридический адрес: г.Ташкент-700060 ул.Шахрисабзская, 36.

Существенный факт – 05 выплата дивидендов:

**Вид ценных бумаг: - акция привилегированная, именная, безналичная, серия Q-O140-T2 ;**

- акция простая, именная, безналичная - серия Q-O140-T2.

Дата принятия решения – 10 апреля 2003 г. Дата выплаты дивидендов- с 02 по 05 июня 2003г.

Орган принявший решение о выплате дивидендов по акциям – Общее собрание ОАО «O'ZDON».

Размер выплаченного годового дивиденда на 1 акцию : на привилегированную акцию -100%, - на простую акцию – 73,4%.

Общее количество акций: привилегированных акций -1739 штук , простых акций – 57613 штук.

Форма выплаты дивидендов - денежными средства

**Существенный факт – 09** решение общего собрания:

1.Утвердить отчет Правления общества по итогам работы за 2002 год и признать работу Правления и Наблюдательного Совета удовлетворительной.

2. Утвердить заключение ревизионной комиссии по проверке финансово-хозяйственной деятельности за 2002 год.

3. Утвердить бухгалтерский баланс общества за 2002 год, отчета о прибылях и убытках.

4. Согласиться с предложением Наблюдательного совета Общества о распределении прибыли Общества и утвердить распределение прибыли и размер выплачиваемых дивидендов, а именно: в Резервный фонд 6,0 млн.сум, на развитие Общества 23,4 млн.сум и 44 млн. сум на выплату дивидендов, по простым акциям 734,4 сум на каждую акцию, по привилегированным акциям - 1000 сум на каждую акцию.

5. Утвердить аудиторское заключение по финансово-хозяйственной деятельности Общества за 2002 год.

6. Утвердить аудитором общества аудиторскую фирму АКФ "Maslahat - Harakat" и заключить договор с указанной аудиторской фирмой на 2003 год.

7 Избрать в состав Наблюдательного совета Исмаилова А.Ф.

8. Согласиться с предложением Наблюдательного совета и Правления Общества о внесении дополнений в Устав Общества, предусмотрев в нем осуществление оптовой и розничной торговли, организацию производства по переработке и фасовке зернопродуктов

9. Утвердить Бизнес- план общества на 2003 год и смету доходов – расходов. Предоставить Правлению общества право вносить изменения в смету доходов и расходов исходя из производственной необходимости с учетом проводящихся экономических реформ в республике и фактических затрат необходимых для выполнения предусмотренных работ.

10. Продлить до следующего годового Общего собрания 2004 г. имеющийся договор найма с Председателем Правления Кадыровым Б.М. и поручить Наблюдательному Совету подписать соответствующий договор.

11. Дать удовлетворительную оценку деятельности Наблюдательного совета и Председателя Правления.

**Существенный факт – 10** – изменения в составе Наблюдательного Совета.

Прекращение полномочий членов Наблюдательного Совета :

1. Хачатурова Роберта Альбертовича
2. Зиямухамедова Мурада Аттабековича

Избраны новые члены Наблюдательного Совета :

| Наименование организации | Ф.И.О. | Доля участия в уставном фонде |
|---|---|---|
| ГАК « Уздонмахсулот» (гос.поверенный) | Сармонов Ганижон Дехканович. | 25% |
| СП «Тураз» | Исмаилов Али Фариманович | 1,7% |

**Дата , в которой произошли изменения в составе Наблюдательного совета Общества – 10 апреля 2003года.**

**Уполномоченный орган эмитента, принявший решение – Общее Собрание акционеров.**

# ЕТТИ ИҚЛИМДАН БИР ШИНГИЛ

## ТИКРИТ ЭГАЛЛАНДИ

***"BBC News" тарқатган хабарларга кўра, АҚШ қўшинлари Саддам Ҳусайннинг она шаҳри саналган Тикритни ўз назоратига олганлар.***



"Баас" партиясининг ғоявий маркази ҳисобланган Тикрит Саддам Ҳусайннинг сўнгги таянчи саналган эди. Ҳужум вақтида иттифоқчилар шаҳарнинг жанубий қисмларида қаршиликка учраганларидан сўнг, уларга ҳаво кучлари ёрдамга келган ва шундан сўнг улар олдинга силжиганлар. Ҳарбий операцияларга бошчилик қилаётган генерал Томми Фрэнкснинг айтишича, Тикритнинг эгалланиши уруш тугади, дегани эмас.

Ироқнинг энг катта шаҳарларидан бири Мосулда эса тартиб ўрнатила бошланган. Кўчаларда аскарларнинг патрул хизмати йўлга қўйилиб, савдо дўконлари яна ўз ишини бошлаган.

## БУШ: СУРИЯ ҚОЧҚИНЛАРГА ЁРДАМ БЕРМАСЛИГИ КЕРАК

***АҚШ президенти Жорж Буш Вашингтонда журналистлар билан учрашув чоғида Сурия давлатини Ироқ ҳукумати аъзолари, "Баас" партияси вакиллари ва ҳарбийларни яширинишларига ёрдам берганликда айблади.***



Унинг айтишича, Сурия кимёвий қуролларга ҳам эга, бироқ расмий Дамашқ буни тан олмайди. Жорж Бушдан аввалроқ худди шу мавзуда АҚШ давлат котиби Колин Пауэлл ҳам чиқиш қилган ва Сурияни Саддам тарафдорларига бошпана бермасликка чақирган эди. Лекин, Вашингтон томонидан билдирилаётган бундай фикрларни Дамашқ рад этмоқда ва Сурия – Ироқ чегарасини назорат қилиш иттифоқ қўшинлари вазифаси эканлигини айтмоқда.

## КАСАЛЛИККА ҚАРШИ АМАЛИЙ ЧОРАЛАР

***"Новости" ахборот маҳкамасининг хабар беришича, Хитой пойтахти Пекинда ўпка яллиғланишига ўхшаш янги пайдо бўлган номаълум касалликка қарши курашиш учун жамоат ташкилотлари ва транспортларни оммавий тарзда дезинфекциялаш ишлари олиб борилмоқда.***



11 апрелдан буён 18 мингга яқин автомобиллар ҳамда Пекин халқаро аэропорти дезинфекциядан ўтказилди. Бундай кураш тадбирлари мактабларда, бозорларда, автомобил сақланадиган жойларда, темир йўл вокзалларида ва кўнгилочар ўйинлар қурилган жойларда ҳам амалга оширилмоқда. Шунингдек, 2500 нафар тиббиёт ходимлари аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб бормоқда. Хорижлик сайёҳлар учун эса алоҳида варақалар тарқатилиб, унда касаллик аломати кузатилса, нима қилиш ва қаерга мурожаат қилиш бўйича тавсиялар ёзилган.

## ТОҒ ЙЎЛИДАГИ АВТОҲАЛОКАТ

***Греция шимолида юз берган автоҳалокат туфайли 24 нафар ўқувчи ҳалок бўлди ва 23 нафари жароҳатланди, дея хабар беради "Рейтер" агентлиги.***



Фожиа Афинадан 350 километрча узоқликдаги тоғли йўлда юз берган бўлиб, автобусдаги ўқувчилар саёҳатдан қайтаётган эдилар. Айни шу пайтда автобус ичида ҳайдовчи ва икки ўқитувчи билан биргаликда 49 киши бор эди. Тахминларга кўра, ҳайдовчи тоғ йўлида кетаётган юк машинасидан ўзиб кетишга ҳаракат қилганида автобус 90 метр пастликдаги тошли дарага қулаб тушган. Ҳозирда жабрланганлар шифохонага ётқизилган.

## ЖАНГАРИЛАР ҲУЖУМИ

***Чеченистоннинг Урус-Мартан туманидаги Рошни-Чу аҳоли пункти яқинида Россия федерал кучларига қарашли автомобилнинг портлаб кетиши туфайли 2 нафар ҳарбий хизматчи ҳалок бўлди.***



"Интерфакс" агентлигининг тарқатган хабарларига кўра, уларнинг бири Иркутск вилоятидан, иккинчиси эса Бошқирдистон республикасидан муддатли хизматга чақирилган. Ҳозирда жиноятчиларни қидириш ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, Самашки қишлоғида ҳам ҳарбийлар кетаётган автоколоннага номаълум шахслар томонидан ҳужум уюштирилиши боис, 6 нафар аскар ҳалок бўлган. Маълум бўлишича, жангарилар БТР техникасини гранатомётдан ўққа тутганлар.

**ИНТЕРНЕТ хабарлари асосида тайёрланди.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2003 йил 15 апрелдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/**

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 583,26 | 1 Польша злотийси | 245,05 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 1517,09 | 1 СДР | 1317,35 |
| 1 Дания кронаси | 139,93 | 1000 Туркия лираси | 0,59 |
| 1 БАА дирхами | 263,01 | 1 Швейцария франки | 693,81 |
| 1 АҚШ доллари | 965,99 | 1 ЕВРО | 1038,44 |
| 1 Миср фунти | 167,13 | 10 Жанубий Корея вони | 7,89 |
| 1 Исландия кронаси | 12,42 | 10 Япония иенаси | 80,15 |
| 1 Канада доллари | 664,82 | 1 Россия рубли | 30,88 |
| 1 Хитой юани | 116,70 | 1 Украина гривнаси | 181,10 |
| 1 Малайзия ринггити | 254,24 | | |

***/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

# РЎЙИ ЗАМИН САЙҚАЛИ

(Боши1-бетда)

**Бахтдир, дўстлар бу олам аро**
**Самарқандлик деган азиз ном.**
**Навоийдек бир достонсаро**
**Фирдавсмонанд деб айтган калом.**

**Бахтдир, унда яшамоқ азал,**
**Кўнгил обод, руҳ обод унда.**
**Бериб етти иқлимга сайқал,**
**Омон бўлсин рубъи маскунда!**

Шу топда, она шаҳрим, Сенинг бобо тарихинг яна қайтарилиб, бирбир хаёлот дунёсидан ўтаверади... Мана ўша манзаралар: "Нақл қиладиларким, Фаридун ўз мамлакатини уч ўғлига бўлиб берганда, Ҳиндистонни Салимга, Туронни Турга, Эронни Иражга топшириб, Тур билан Ираж юртларининг аросида ҳозир Аму дарёси аталган Жайҳун дарёсини чегара, деб тайинлади. Тур учун пойтахт бўлгудай бир қалъа солиб бермоқчи бўлиб, муносиб ўрин излаб юрганида Самарқанд шаҳри бўлган ерда девор изи ва қўрғон асари кўзга кўриниб унинг устига янгидан девор қурдирди. Турк Афросиёб Ираж ўғли Манучеҳрни енгиб Турон юртини ўз қўлига киргизганда ўша Турнинг пойтахти бўлган ўринни иморат қилиб, унда ўринлашди" (Абу Тоҳирхожа, "Самария").

"Темурбекнинг зоду буди Кешдин учун, шаҳр ва пойтахт қилурга кўп саъй ва эътимомлар қилди, олий иморатлар Кешта бино қилди... Чунки Кешнинг қобилияти шаҳр бўлмоққа Самарқандча эмас эди, охир пойтахт учун Темурбек Самарқандни – ўқ ихтиёр қилди" (Заҳириддин Муҳаммад Бобур, "Бобурнома").

"Амир Темур Кўрагон Ҳиндистонни олгандан кейин у ерда ўлжа олинган олтин инжу ва қийматлик тошларни тўқсон бир филга юклаб олиб келтирди ва истадиким, пойтахти бўлган Фирдавсмонанд Самарқандда бир жомеъ бино қилғай. 801 ҳижрий, 1399 милодийда кучли ва тезишлик усталарни дунё теварагидан йиғиб ишга бошлади" (Абу Тоҳирхўжа, "Самария").

Ҳа, Самарқанд тарихига оид бундай олтин лавҳаларни кўплаб келтириш мумкин. Самарқанд ер юзининг сайқали бўлгунча бир неча бор ер юзидан сидириб ташланган, яксон қилинган. Агар Александр Македонский, Қутайба, Чингизхонлар ҳам Алп Эр Тўнга ёки Амир Темур каби бу шаҳарга кўрк бағишлаганда, тасаввур қиласизми, Самарқанд дунёда қандай шаҳарга айланарди? Лекин у ана шу босқинлардан, вайронагарчиликлардан сўнг ҳам афсонавий қақнус қуши каби яна тирилган, ўз қаддини тиклаган. Лекин унга ҳеч ким соҳибқирон Амир Темурчалик сайқал бермаган, шуҳратини дунёга машҳур қилолмаган. Ҳатто у сўзда бўлса-да, бир ғазалида Самарқандни гўзалнинг қаро холига алмашиб юборган шоирни жазоламоқчи бўлгани ҳақидаги афсонани эсланг. Ҳофиз Шерозий билан Амир Темур учрашуви ҳаётда бўлмаган тақдирда ҳам бу ривоятда Соҳибқироннинг Самарқандни қанчалик эъзозлаши ўз ифодасини топган.

Соҳибқирон Амир Темур Самарқандда кўплаб масжид, мадраса, мақбара ва хонақоҳлар, карвонсаройлар қурдириш билан бирга шаҳар теварагида жаннатмакон боғлар барпо қилдирди. Яна "Самария"дан: "Самарқандда Амир Темур Кўрагон солдирган боғларким, Эрон гулистони рашк қилар даражада етти экан:

Биринчиси Боғи Шамол – Самарқанднинг шимолида, Девори қиёмат ичида, иккинчиси Боғи баланд. Бу ҳам шимол томонда. Учинчиси Боғи беҳишт, тўртинчиси Боғи чинор. Бу икки боғ шаҳарнинг кунчиқар томонида. Бешинчиси Боғи Дилкушо бўлиб, Конигилнинг жануб томонида. Конигил Кўҳак дарёсининг ёқасида, Самарқанднинг энг гўзал ва чиройлик еридир. Олтинчиси – Боғи зоғон. Шовдор туманининг шимол тарафида воқеъдир. Еттинчиси Боғи жаҳоннумо. Анҳор туманида бўлиб, тоғ этагига яқин ерда, Самарқанднинг жанубида бино қилингандир".

Бу боғларнинг таърифу тавсифи ҳақида "Бобурнома"да, Ҳофизи Абру, Давлатшоҳ Самарқандий, Абдураззоқ Самарқандий, чет эллик элчи ва тарихчилардан Клавихо, Вамбери, Кан, Цзянлар ўз асарларида кенг маълумотлар ёзиб қолдиришган.

Ўтмишинг яна кўз олдимда қайта жонланади-да қаламимдан шеър тўкилаверади:

**Кешдан кўзғолди-да**
**Темур шиддаткор,**
**Самарқандни олди –**
**қилиб бир ҳамла.**
**Чингизхон авлодин қувлаб**
**ҳужумкор,**
**Ғолиб умид билан**
**боқди оламга.**
**Душман яксон этган**
**шаҳар деворин**
**Буюк Соҳибқирон**
**тиклади яна.**
**Озодлик ишига бахш**
**этди борин,**
**Жаҳон айвонида қурди**
**тантана.**

**Усталар жамъ бўлиб етти**
**иқлимдан**
**Тош йўниб, нақш ўйиб,**
**қурди иморат.**
**Ҳунаринг не дебон**
**сўраса кимдан,**
**Бунёдкор аҳлига қилди**
**ишорат.**

**Самарқанд тенги йўқ шаҳар**
**бўлсин деб,**
**Темур сарф айлади**
**хазинасини.**
**Олий қасрларга роса**
**берди зеб,**
**Қароғдек асради**
**ганжинасини.**

**Туркистон, Хоразм,**
**Фарғона-ю Шош,**
**Темур яловини кўтарди**
**баланд.**

**Бу ялов остида машриқ**
**эгиб бош,**
**Темурни бошида тутди**
**аржуманд!**

Самарқанд қадимдан ҳунармандлар, косиблар, савдогарлар шаҳри бўлган, шунинг учун ҳам сарбадорлар ҳаракатининг марказига айланган эди. Самарқандда шиша, қоғоз, турли матолар, рангли ва қора металл ишлаб чиқариш жуда эрта тараққий этган. Буюк Ипак йўлининг қоқ марказида жойлашгани ҳам бу шаҳарнинг иқтисодини ривожлантиришда жуда катта аҳамият касб этган. Айтиш мумкинки, Буюк Ипак йўлининг у шарқий учидан чиққан карвон ҳам, бу ғарбий учидан чиққан карвон ҳам Самарқандни мўлжалга олиб "Самарқанд қайдасан?" деб ойлаб, йиллаб йўл тортган. Буюк Темур империясининг пойтахти бўлгани, Темур давлатида ўрнатилган осойишталик бутун дунё диққатини беихтиёр Самарқандга тўплади, дунёнинг моддий ва маънавий бойликлари аста-секин Самарқандга оқиб кела бошлади, натижада Самарқанд гуркираб ўсди. Афсус, кейинги тахт талашишлар, бўлинишлар Самарқандни ортга тортди...

Самарқанд не-не буюк зотларни дунё илм-фанига, маданиятига етиштирмаган, дунёнинг етти иқлимидан келган не-не буюк зотларга ўз бағридан макон бермаган дейсиз? Уларни саноғига етиш қийин, албатта.

Мустақиллигимиз туфайли бу қадим шаҳар кўксига яна бир баҳорий иликлик, яшариш, яшнаш насиб этди. Табаррук зотлар Амир Темур, Улуғбек, Алишер Навоий, Имом ал-Бухорий, Абу Мансур ал-Мотрудий, Бур-ҳониддин Марғинонийлар юбилейлари билан шаҳар янада кўркамлашди, тароvати, кўрки ошди. Айниқса, қадим шаҳарга Амир Темур орденининг берилиши ва Соҳибқироннинг салобатли ҳайкали ўрнатилиши узукка кўз қўйгандек ярашди.

Бир вақтлар Самарқандда бир яхши удум бўлган. Шаҳарга бало-қазолар яқинлашмасин, деган маънода ёш, беғубор боланинг бошига Имом Бухорийнинг "Саҳиҳ"ини қўйиб бутун шаҳар бўйлаб айлантиришган.

Шу ўринда Самарқанд ҳақида яна бир ривоят келтирмасам кўнглим жойига тушмайди. Бу ривоятни тарихчи Абдул Ҳаким Самарқандий "Кичик Қандия" асарида ёзиб қолдирган: "Сайиди икки олам (пайғамбар) ҳикоя қилдиларким: "Бир куни Мадинадан чиқдим ва Хожа Хизрни учратдим. Шунда сўрадимки: "Ё Ибн Аббос (Хизрнинг лақаблари), қаёқдан келаётирсиз?" Ул киши айтдилар: "Хуросондан келаётирман". Мен (пайғамбар) сўрадим: "Мен бу дунёдан кетгандан сўнг, қайси юртда кўпроқ бўласиз" Ҳазрати Хизр айтдилар: "Ё, Расулуллоҳ! Самарқанд деган шаҳарда бўламан ва у шаҳарни Худо ярлақагандир". Сўнгра Ҳазрати Хизр бу шаҳарнинг шуҳратини шу даражада мақтаб гапирдиларки, Пайғамбарнинг бу шаҳарни кўргилари келиб қолди ва айтдилар: "Ё Хизр, бу шаҳар қандай оҳанрабо шаҳардиркум, ўзига жалб қилур". Хизр айтдилар: "Тўғри айтурсиз".

Самарқандим, кечагина Сенинг бағрингда шўхчан ёшлик қўшиқларини куйлаб юрган фарзандинг, камина ҳам бугун соч-соқоли оқариб, етмишни етаклаш сари умр карвонида сенинг чексиз жамолингга маҳлиё бўлганча кетиб борурман:

**...Мен куйлар қалбига**
**чулғанган нурман,**
**"Чоргоҳ" ё "Муножот"**
**наволарида,**
**"Гиря" ё "Дилхирож"**
**ҳаволарида**
**Келажак авлодга бориб**
**етурман...**

**Барот БОЙҚОБИЛОВ,**
**Ўзбекистон халқ шоири.**

## СПОРТ ОЛАМИДА

### ЖИЗЗАХЛИК БОЛАЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

***Келажагимиз ворислари - ёшларимизнинг жисмонан бақувват, маънан етук шахс сифатида вояга етишларида жисмоний тарбия ва спортнинг аҳамияти беқиёс.***

Шу боис ҳам юртимизда ушбу соҳани янада ривожлантириш мақсадида ибратли ислоҳотлар олиб борилмоқда. Хусусан, Президентимиз Фармони билан ташкил этилган Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан бу борада аллақачон бошлаб юборилган хайрли ҳаракатлар самара бериши, шубҳасиз. Яқинда Жиззах вилоятининг Зафаробод туманидаги 12-мактабда болажонлар учун қулайлик яратилди. Вилоят, туман ҳокимликлари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг туман бўлимлари ҳамкорлигида ушбу мактабда таэквандо клуби фаолият бошлади.

### ЁШ ЧАВАНДОЗЛАР БЕЛЛАШУВИ

***Республика от спорти олий маҳорат мактабида от спорти бўйича Тошкент шаҳар биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди.***

Ушбу спорт турининг от йўрттириш ва тўсиқдан сакраш баҳслари бўйича 41 нафар пойтахтлик чавандозлар ўртасида ўтказилган баҳс кескин кечди. Мусобақа якунида эса биринчи ўринни "Тайфун" лақабли оти билан Жамшид Раҳматов эгаллаган бўлса, иккинчи ва учинчи ўринлар "Марс", "Сафари" лақабли от эгалари Михаил Шей ҳамда Сардор Бобожоновларга насиб этди.

### "ШУНҚОРЛАР"

***Бухоро вилоятида "Шунқорлар" ҳарбий мактаблари курсантлари иштирокида "Шунқорлар" мусобақаси уюштирилди.***

Унда иштирок этганлар автоматларни йиғиш, очиш, граната улоқтириш бўйича ўз маҳоратларини намойиш этишди. Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотининг вилоят бўлими, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг вилоят кенгаши ҳамкорликларида ташкиллаштирилган ушбу мусобақа якунида ғолибларга мутасаддиларнинг совғалари туҳфа этилди.

### МАШҒУЛОТЛАР ТОШКЕНТДА ЎТМОҚДА

***Мамлакатимизда спортнинг бокс тури истиқлол шарофати туфайли жадал суръатда ривожланаётгани ҳеч кимга сир эмас.***

Шу боис ҳам кейинги йилларда ўсмирлар ўртасида турли хил мусобақалар ўтказиб келиняпти. Самарқанд шаҳрида 1987-88 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида бокс бўйича ўтказилган Ўзбекистон биринчилиги ниҳоясига етди. Шуниси қувончлики, 14 вазн тоифасида ғолиблик учун кураш барча вилоятлар ва Тошкент шаҳри боксчилари ўртасида кескин кечди. 63 килограммгача бўлган вазн тоифасида эса пойтахтлик Мардон Содиқов рақибларига ҳеч қандай имконият қолдирмай чемпионликни қўлга киритгани тошкентлик бокс мухлисларини қувонтирди. Сентябр ойида ўсмирлар ўртасида Европада ўтадиган жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган Ўзбекистон биринчилиги ғолиблари айни кунларда Тошкент шаҳрида ўқув машғулот йиғинлари ўтказмоқдалар. Биз эса навбатдаги жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси сафида Ватанимиз шарафини ҳимоя қиладиган ўсмирларимизга омад тилаб қоламиз.

### НОМЗОДЛАР САРАЛАНДИ

***Бадминтон бўйича эркаклар ва аёллар ўртасида пойтахтимизда ўтказилган мамлакат биринчилиги баҳслари Ўзбекистон терма жамоасига номзодларни саралади.***

Якка тартибда ҳамда жуфтлик мусобақаларида ғолиблик учун кураш муросасиз кечди. Аёллар ўртасидаги якка тартибдаги баҳсларда Анна Смирновага тенг келадиган рақиб топилмади. Аёллар иштирокидаги жуфтлик мусобақасида ҳам Анна Смирнова – Алина Асенова жуфтлиги биринчи ўринни қўлга киритган бўлса, эркаклар ўртасидаги якка тартиб беллашувларида Олег Соватюгинга ҳам олтин медал насиб этди. Жуфтлик учрашувларида эса Битиев – Зоҳидов жуфтлигига омад кулиб боқди. Мусобақа якунида мутасаддилар томонидан совринлар ва эсдалик совғалари билан тақдирланган ғолиб ҳамда совриндорлар Ўзбекистон терма жамоасига номзодлар, деб эълон қилинди.

### ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ

***Шаҳримиздаги "Динамо" спорт мажмуасида милтиқдан ўқ отиш бўйича ўтказилган мамлакат биринчилиги баҳслари Республика олимпия заҳиралари коллежининг талабаларига омад келтирди.***

Ушбу мусобақаларда бор маҳоратларини ишга солган коллежнинг 9-синф ўқувчиси Фарҳод Тошматов, биринчи ва иккинчи босқич талабалари Елена Дронина ҳамда Сокиной Малидовалар спорт усталигига номзод талабини бажаришди. Ушбу беллашувларда муваффақиятли қатнашиб, шахсий рекордларини ўрнатган ёшларимизнинг келажакда моҳир спортчи бўлиб етишишларига шубҳа йўқ.

**Имомали УЛФАТОВ тайёрлади.**

СИНОАТ

# МАРҲУМЛАРНИ БЕЗОВТА ҚИЛМАНГ

***У пайтларда ёш бола эдик. Отам: "Фарзандларим, марҳумларни ҳурмат қилиш лозим, улар дафн қилинган ерни оёқости қилиб, эски қабрлар устини босманглар! Улар гўёки бир қалъа, мозорни кўрсангизлар атрофини ўраб, мол босмайдиган қилиб тўсиб қўйинглар", деб насиҳат қиларди.***

Биз бу сўзларнинг маъносига кўпам эътибор бермас эканмиз. Овулимиздан анча узоқда, Қоратепа этагида 1930 йилларда бир киши дафн этилган экан. Афтидан очлик сабабли яқинлари уни овулга олиб келиб кўмишга мадори етмаган кўринади. Ўша қабр оёқости бўлиб, одамлар назаридан четда қолиб кетади. Мозорнинг шундоқ ёнидан тош йўл ўтган. Ундан нари-бери қатнайдиган машиналар, аравалар, тракторлар ўз-ўзидан ағдарилиб, одамлари ҳалокатга учрай бошлади.

Бир куни чошгоҳ пайти текис йўлдан кетаётган кампирни худди ўша якка мозор ёнида трактор босиб кетади. Ундан кейин Умар деган кишининг боласини ҳам машина уриб кетади. Ҳайдовчилардан: "Тун эмас, туман эмас, сизларга нима бўлган, наҳотки, куппа-кундузи ҳеч кимни кўрмаган бўлсанглар?", деб сўрашса, "Билмаймиз, шу ерга яқин келганда ўз-ўзидан кўз олдимиз қоронғулашиб, ҳеч нимани кўрмай қоламиз", деб жавоб беришар экан. Шундан кейин овул қариялари маслаҳатлашиб, пул тўплаб, қабрни обод қилишади, мол сўйиб, майит ётган ерда Аллоҳ йўлига эҳсон қилишади. Қуръон ўқишади. Ўшандан бери орадан ўн-ўн беш йил ўтдики, биронта ҳам автоҳалокат ёки нохуш ҳодиса содир бўлгани йўқ.

Яна бир воқеа сира ёдимдан чиқмайди.

7-8 йил аввал қишлоғимизда яшайдиган Байдус исмли кишининг уйига бориб, ўша ерда тунаб қолдим. Эртаси куни Байдус мени кузатгани йўлга чиқди. Келаётиб янги уйларни кўрсатди.

-Ҳув анави томондаги икки қаватли катта уйни кўряпсанми? Бу уйни хўжалик раҳбари мозорни текислатиб, устига қурдирган эди, - деди афсус билан. – Ҳозир у ерда ҳеч ким яшамайди. Ўша пайтда усталар уйни битириб бўлгач, шу ерда ётмоқчи бўлишган экан. Ярим кечада уй деворлари дукиллаб кетгандан сўнг улар ҳовлига қочиб чиқишган. Эртасига раҳбарга айтишган экан: "Нима бўлганини ўзим кўрмагунча ишонмайман", деб ёнига уч-тўрт одам олиб-да, милтиқ кўтариб, уйига ётгани келибди. Ярим кечаси тагидаги кўрпа-тўшаклари қимирлайвергандан кейин, бошқа бурчакка ўтиб ётишибди. У ерда ҳам ўринлари қимирлаб, деворлар дукурлайвергач, кўрқиб ташқарига чиқишибди. Шундан кейин хўжалик раҳбари қишлоқ аҳлини йиғиб, жонлиқ сўйиб, хайр-эҳсон қилди, бироқ барибир иши орқага кетди. Бу уйда яшашга ҳеч кимнинг юраги дов бермади. Уй ҳамон кимсасиз, бўш ётибди.

Бу воқеаларни эшитиб, ўйга толаман, ота-боболаримиз руҳини шод этиш, уларни дуои фотиҳа билан эслаш бизлар учун ҳам қарз, ҳам фарз экан. Улар мангу қўним топган ерни оёқости қилиш эса гуноҳи азимдир.

**Қидирбой ТЎЛАБОЕВ**




Т.МАҲҚАМОВ сурат-лавҳаси.

МУТОЛАА

# МИЛЛИЙ ҚОМУСНИНГ ЯНГИ ЖИЛДИ

***Мустақил Ўзбекистон Миллий энциклопедиясининг дастлабки учта жилди ўқувчилар қўлига етиб борганидан хабарингиз бор. Яқинда навбатдаги тўртинчи жилд нашрдан чиқди.***

Маълумки, истиқлол шарофати ўлароқ чоп этиб борилаётган миллий энциклопедия собиқ тузум давридагисидан ўзининг кенг қамрови, мукаммаллиги, унда миллий анъаналаримиз, бой тарихий меросимиз чуқурроқ ёритилгани билан фарқланиб туради. Ушбу жилддан ўрин олган атамалар рўйхати Шарқ адабиётининг йирик намояндаси, бобурийлар хонадонининг атоқли вакиласи Зебунисобегим номи билан бошланиб, мамлакатимиз тарихида муҳим аҳамият касб этган, мозийнинг кўплаб сирсиноатларини бағрида яшириб ётган Конигил тепаликлари ҳақида маълумот бериш билан якунланишининг ўзида ҳам қандайдир рамзий маъно бор. Ушбу қомус ҳам аввалгиларидек китобхонларнинг дунёқараши, тафаккури, билим савиясини юксалтиришга том маънода ҳисса қўшиши аниқ.

**Р.ЖАББОРОВ**

**Соқов балиқ**
**олмоқда дам,**
**Шиша сингач**
**сўрар ёрдам...**



**Жаҳонгир МИРЗО чизган расм.**

# ПАҲЛАВОНЛАР КЎПДИР БУ ЮРТДА

(Боши1-бетда)

-Рамзиддин Саидов! – деди суҳбатдошимиз.

Узун бўйли, ихчам гавдали, мовий кўзлари ўткир боқувчи Рамзнинг қиёфаси кўз олдимга келди. Асли исми Рамзиддин бўлса-да, мухлислари уни қисқагина қилиб Рамз дейдилар. Уни илк бор Олот туманидаги ихтисослаштирилган кураш мактабида таниқли мураббий Рустам Тўраев ҳузурида кўрган эдик.

-Фарҳод, Мансур, Камолларнинг издоши бўлишига кўзим етиб турибди, - деган эди ўшанда Рустам ака Рамзиддин ҳақида гапираётиб.

1999 йил Рамзиддин Бухоро Давлат Университетининг жисмоний маданият факультетига ўқишга қабул қилинди. Машҳур мураббий Собир Қурбоновнинг қўл остида кураш машғулотларида қатнаша бошлади. Бўладиган болани кўзидан танийдиган Собир Курбонов Рамз билан жиддий шуғулланишга киришди.

-Рақибга ҳадиксиз тик бориши менга ёқарди, - дейди мураббий Рамзнинг кураш усуллари ҳақида гапириб, - полвонман деган ғалабанинг ҳалоллига интилиши керак. Яна бир гап бор.У ёшликнинг баъзи бир тошқин эҳтиросларини ҳам жиловлай билиш лозим. Акс ҳолда бир сонияда ўз ёғингга ўзинг қоврилиб қоласан. Рамзиддинда ана шундай босиқ иродасини кўрганман, унга ишонганман.

73 килограмм жуда курашбоп вазн ҳисобланади. Аммо ўта кучлилар кўп бу вазнда. Ҳакам навбатдаги галга сас берди. Ўнг томондаги полвон Рамзиддин Саидов! Рамз куттирмай гилам ўртасига чиқди. Қиличдек турди рақиби пешвозига, у ёнбу ёнини тузатиб гиламга бамайлихотир чиқиб келадиган рақиб ундан кўрарини кўради. Олишувни атай чўзган курашчининг гиламда кўпи билан икки метр ўрни бор. Аммо ғолиб аниқланиши керак-ку. Рақиб танига кетма-кет рўй бераётган зилзила уни дарз кетган ойнадек руҳан бўлак-бўлак қилади. Бундай ҳолатлар кўпроқ тўй курашларида бўлади. Рамзиддин қийин кечган курашларни ана шундай "синдириб" бўлса-да, мақсадига етадиган курашчи.

Рамзиддин Саидов "Универсиада – 2002"да яхши натижалар кўрсатди. Аммо натижадан сира қониқмади.

Орадан икки-уч ой ўтиб, Рамзиддиннинг Ереванда ўтадиган Жаҳон чемпионатига тайёргарлик кўраётганлиги ҳақида эшитдик.

Собир Қурбоннинг яқин кунларда яна битта паҳлавон чиқади, деган сўзи эсимизга тушди. Рамз Арман диёрига жўнади. Тайёргарлик жараёнида ўзини аямай меҳнат қилганини кейин дўстларидан эшитдик.

Рамзиддин Арманистонда бўлиб ўтган Жаҳон чемпионатидан кумуш медал билан қайтди. Бронза, кумуш... навбат олтин медалга яқинлашаётган эди. 2002 йил адоғида Ҳиндистоннинг Деҳли шаҳрида II Осиё чемпионати бўлиб ўтди. 73 килограмм вазнда Ўзбекистон терма жамоаси сафига



Рамзиддин Саидовни олишди. Дунёнинг кўплаб мамлакатларидан келган паҳлавонлар бир-бирларига сездирмай Гангадан мадад сўрадилар. Паҳлавонлар юрти вакили Рамзиддин полвон эса бу мададни она Бухородан, полвонпир Паҳлавон Маҳмуддан сўради. Деҳли кураши ҳақиқий йўлбарслар жангига ўхшарди. Наъра тортиб, наъра тортиб олишишди, ўз юртларининг манаман деган ўғлонлари. Кўкка қараган наъра бошқа ерга қараганда бошқа экан. Кўкка қараганининг кўзга қараши хумор эди. Ерга қараганининг элга қараши душвор эди.

Мана ўша кутилган финал олишуви!

Кураш олдидан Рамзиддинга зўр-зўр омадлар тиланди. Энг зўр гапни Ўзбекистон кураш федерацияси раиси Комил Юсупов айтди.

-Исмингни ўзагига қара – Рамз, бугун сен ўзбек курашининг рамзи бўлишинг керак. Ишониб турибмиз, кутиб турибмиз.

Рамзиддиннинг қони гупурди. Хаёлидан ички бир кенгайишни сезди. Бу сўздан ҳам катталашиб, ҳам оғирлашиб кетгандек бўлдим, деди у. Сўзнинг қудрати ҳам кучли экан, домла.

Рамзиддиндан финал жанги ҳақида сўрадим.

-Шубҳасиз, рақибим кучли паҳлавон экан. Осмонга отсанг ҳам оёғи билан тушади. Сезгирлигига гап йўқ. Бисмилло демасингдан қарши кураш усулини қўллайди. Кучига ҳам, ақлига ҳам қойил қолдим. Бир-икки чил бериб ортга қайирмоқчи бўлдим. Ичидан темир арматура ўтган бетонга ўхшайди. Скрутка қилиб елкасидан ошириб уришни мўлжаллаб кўрдим. Шу дақиқадаёқ ичкарига кириб келишини бас қилиб, ўзини узоқроқ тутишга ўтди. Белбоғидан маҳкам тортиб бир амаллаб ўнг товонимга яқинлаштирдим. Товонидан уриб супириб кўрдим. Усулим бироз кучсизроқ чиқди шекилли, бир қалқиди-ю, сирғалиб чиқиб кетди. Гиламдаги ўзини сипо тутишидан ўзимдақа ажриқзор устида кураш тушиб катта бўлмаганлиги аён эди. Шиддат билан "ўрама" усулини қўллаб "ёнбош" олдим. Яна бир довдиратиб қўйиб, тағин очколик бўлдим. Ғалабам эълон қилиниб, олтин медал олишим аниқ бўлганида, Осиё чемпиони деб эътироф этилганимда қалбимда мингта Рамзиддин бор эди, десам, ишонинг. Қаддимни ғоз тутиб, шоҳсупага чиқдим. Ичим тўла фахр, ғурур. Мадҳиямиз дунёдаги энг мукаммал қўшиқ бўлиб туюлди менга. Унинг сатрлари бақувват паҳлавонлар мускулидек кўринарли бўлиб кетди.

Рамзиддин Саидов ҳали ёш. У эндигина БухДУ жисмоний маданият факультетининг IV босқич талабаси. Ёш бўлса-да, номдор паҳлавонлар қаторига кирди. Омадини берсин!

**Дилмурод ЖАББОР,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

"Қишлоқ ҳаёти" газетаси таҳририяти жамоаси Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлиги Бош директори Рустам Шомуродович Шоғуломовга қизи

**ЭЛЬВИРА**нинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги 20-оилавий поликлиника жамоаси олий тоифали шифокор Ортиҳол Синдоровага онаси

**ҚАНДОЛАТ АЯ**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир ЎТКИР РАҲМАТ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АҲМАД, Ағитай АДИЛОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Ғафур ШЕРМУҲАММАД (масъул котиб), Озод ШАРОФИДДИНОВ.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона – 133-09-93 (факс), 133-40-87 (факс), бош муҳаррир ўринбосарлари – 133-16-27, 133-44-43, котибият - 136-56-26. Ижодий гуруҳлар: 136-54-44, 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-55-512-17; Андижон - 8-374-2-25-32-23; Бухоро – 8-365-22-648-22; Жиззах – 8-372-22-648-72; Навоий – 8-436-22-588-56; Наманган - 8 – 369-43-311-81; Фарғона – 8-373-61-221-97; Самарқанд – 8-366-233-00-52; Сурхондарё – 8-376-46-526-61; Сирдарё – 8-367-225-41-73; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-517-65.

Реклама ва эълонлар бўлими телефони: 133-44-43, 136-58-83.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

Навбатчи: Д.УЛУҒМУРОДОВ

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси томонидан 2002 йил 18 февралда № 00694-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади

Буюртма Г-288, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

E-mail: kishlokhayoti@yahoo.com

Босишга топшириш вақти: 21.00. Босишга топширилди: Адади 18 236

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6